



ТАРАҚҚИЁТГА ИЛМ-ФАН ВА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.



Шавкат Мирзиёев дастлаб тумандаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари мазкур замонавий мажмуа қурилишига 2019 йил 20 ноябрда тамал тоши қўйган эди. Бу галги ташрифда бунёдкорлик ишларининг бориши кўздан кечирилди.

Бугунги кунда 20-25 қаватли 6 та офис биноси қад кўтарган. Конференция зали қурилиши якуний босқичга кирган.

Бу ерда жами 17 та иморат барпо этилади. Технологик паркда IT-ташкilotлар, университет, конференция зали, коворкинг маркази ўзаро узвий фаолият олиб боради. Мажмуа ҳудудида хизмат уйлари, меҳмонхона, кафе ва рестороанлар, дўконлар, спорт майдони, дам олиш жойлари ҳам бўлади. Ер остида 3 қаватли автотураргоҳ қурилади.

Президентимизга ушбу объектларда бўладиган шароитлар, соҳадаги натижалар ҳақида маълумот берилди.

Замонавий шароитлар яратилиб, етук мутахассислар тайёрланаётгани самарасида сўнгги беш йилда ахборот технологиялари соҳасида экспорт ҳажми 50 баробардан зиёд ўсгани қайд этилди.

— Ҳозирги замонда хизматларнинг катта қисми ахборот технологиялари орқали кўрсатиляпти. Бошқа соҳаларнинг ҳам самарадорлиги шунга боғлиқ. Шунинг учун бу ердаги шароитларни кенгайтириб, замонавий IT-хабга айлантириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги қуйи ташкилотларни шу ерга қўчириб, банк ва IT-компанияларни жалб этиб, технопаркни яхлит комплекс тарзида ривожлантириш, соҳа вакиллари учун қулай муҳит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда IT соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар ва тадбиркорлар билан суҳбатлашди, шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллалар раислари ҳамда туман ҳокимининг маҳаллада

тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари билан мулоқот қилди.

Президентимиз 2020 йил 31 январь куни Геология фанлари университети қурилишига тамал тоши қўйган, геологик тадқиқотлар иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари учун кераклиги, ташхиссиз беморни операция қилиш имконсиз бўлгани каби геологиясиз саноатни ривожлантириб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди.

Сўнгги йилларда геология соҳасига катта маблағлар ажратилиб, энг илғор технологиялар олиб келинди. Ерости бойликларнинг захираси ҳам, прогноз ресурслари ҳам кўпайди. Уларни қазиб, қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар ҳам зарур.

Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети ташкил этилган эди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар! Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Бугунги кўптуғ айём — Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун муносабати билан сизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Саховатли заминимизда гўзал ҳосил байрами нишонланаётган шу файзли дамларда янги Ўзбекистон равнақи ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, қадоқ қўли ва фидойи қалби билан элимизнинг ризқ-насибасини яратаётган, ўз ишининг устаси бўлган моҳир деҳқон ва фермерлар, боғбонлар, чорвадор ва пиллакорлар, сувчилар ва иригаторлар, агроном ва механизаторлар, агрокластерларнинг раҳбарлари ва ишчи-ҳодимлари, деҳқон хўжалиги раҳбарлари, соҳанинг жонқуяр олимлари ҳамда мутахассисларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислохотларимиз тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириб, мамлакатимизда қўлай агробизнес муҳитини яратиш, бу борада инвестициявий жобадорликни ошириш, соҳани саноатлаштириш масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Ўз навбатида, омилкор деҳқон ва фермерларимиз энг сўнгги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, кўп йиллик бой билим ва тажрибалари билан соҳа тараққиёти учун азму шжоат кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳаммамизга аёнки, деҳқончилик ер юзидаги энг шарафли, айни вақтда машаққатли касблардан биридир. Юртимиз қишлоқ хўжалик соҳаси бу йил ҳам турли қийинчиликларга дуч келганига барчамиз гувоҳмиз.

Авалло, дунё микёсида давом этаётган пандемия таъсири, қолаверса, баҳорда ёнгарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурсларининг ҳар йилгидан сезиларли даражада танқислиги деҳқонларимизнинг ирода ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Лекин мавжуд муаммоларга қарамасдан, барча тармоқларда мўл ҳосил етиштириб, аввалги йилларга нисбатан юқори марраларга эришганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Бу йил республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сўт маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна баллиқ етиштирилгани йил бўли туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг муносиб самарасидир.

Бу ҳақда гапирганда, ғалланинг ҳар гектарида 95-100 центнердан ҳосил олган Марҳамат туманидаги "Сотволдиев Ҳошимжон", Бувайда туманидаги "Испомжон Шукрулло", Оҳангарон туманидаги "Наҳмиддин Фахриддин фазл", Дўстлик туманидаги "Фарҳод", Ромитан туманидаги "Кўҳна Бухоро", Қарши туманидаги "Мўл ҳосил сифат", Риштон туманидаги "Мохирун фазли гавҳари", Қумқўрғон туманидаги "Падаг", Эпиккалва туманидаги "Сахтиён Азамати", Тўрақўрғон туманидаги "Шоҳида бургути" каби фермер хўжаликларининг номларини мамнуният билан эътироф этамиз.

Аграр соҳанинг яна бир муҳим тармоғи — пахтачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жорий мавсумда ўтган йилга нисбатан 422 минг тонна кўп пахта хомашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошгани айнқса эътиборлидир.

Бундай улкан хирмонни яратишга салмоқли хисса қўшган Қумқўрғон туманидаги "Термиз Жайхун", Дўстлик туманидаги "Санзор-текстиф", Зафаробод туманидаги "Жиззах кентекс", Бёёвут туманидаги "Бёёвут текстиль кластер", Қорақўл туманидаги "Қорақўл кумуш калава", Ёғжувон туманидаги "Бухоро агро кластер", Тўрақўрғон туманидаги "Наманган тўқимачи кластер", Пахтачи туманидаги "Пахтачи кластер", Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон агро кластер", Янгиариқ туманидаги "Янгиариқ текс", Богот туманидаги "Коботекс" каби пахта-тўқимачилик кластерлари, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги "Хушбўқ бобо", Шароф Рашидов туманидаги "Норқозоқ ота", Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангирберди ота", Қўрғонтепа туманидаги "Савай кўрки", Пешку туманидаги "Варахшо нурли замини", Беруний туманидаги "Раҳматулла Чаман" фермер хўжаликлари ҳаммага намуна бўлганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Қадрли юртдошлар! Бугунги кучли рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам янгилаш ёндашуви, инновациялар ва илғор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежайидиган технологияларни изчил таътибқ этишни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам ўз бераётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани, экологик муаммолар соҳада илмфан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда.

Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор

масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмлари асосланган, бошқаруving мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла оқламоқда. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг қафолатли даромад манбаига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият юритиб, пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизидан ортиги айнан ана шундай корхоналар улушига тўри келмоқда.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четга хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Натижада биргина пахтачиликда тогани қайта ишлаш кўрсаткичи 2,5 бараварга ошди. Ҳосилнинг 100 фоизи мамлакатимизда қайта ишланиши туфайли ип-калава ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот ҳажми 3 бараварга ортиди. Бу борадаги йиллик экспорт миқдори қарийб 3 миллиард долларни ташкил қилди.

Ер қадрини биладиган, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ноёб тажриба мактаби яратган кластер раҳбарлари, фермер ва деҳқонларимиз, шунингдек, мева-сабзавот, шолли, доривор гўёлар етиштириш, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келаётгани гоётада аҳамиятлидир.

Хурматли соҳа вакиллари! Сизларга маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, оборотдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2020-2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Сув тежайидиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратилиши бўйича қўйилди.

Шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, биргина 2021 йилнинг ўзига 797 гектар майдонда қиймати 2,3 триллион сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ишга туширилиб, 11 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Буларнинг барчаси ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, экспорт имкониятларини кенгайтириб, қишлоқ жойларида қўқма ва қулай бўлган савдо, логистика марказлари ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантирмоқда. Хорижий мамлакатлар бозорларига янги истиқболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 65 та давлатга экспорт қилинди.

Бу ўринда, экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга нисбатан дуккаки маҳсулотлар 122 фоизга, узум маҳсулотлари 142 фоизга, сабзавотлар 103 фоизга ҳамда ёнқоқ маҳсулотлари 1,8 бараварга ўсганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда, янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари диққатимиз марказида бўлиши лозим. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда, соҳада кенг қўламли ислохотларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, маҳсулот етиштириш таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ўстириш, чорвачилик тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш тизимида ўтиш келгусида ўзининг ижобий самарасини кўрсатади, албатта.

Олдимизда турган бундай масъулиятли вазифаларни бажаришда барчангиз елкама-елка туриб, бир тану бир жон бўлиб, бор малака ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва салоҳиятингизни сафарбар этишингизга ишонаман.

Муҳтарам дўстларим, кадрдонларим! Мир Алишер Навоий ҳазратларининг бодобедонларни улуглаб, улар ерга уруғ сочиб, эл-юрт учун ризқ йўлини очадилар, деб айтган сўзларидан теран ҳаётий маъно борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Сизларни ушбу файзли ва шукўхли айём билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Кириб келаётган янги — 2022 йилда ҳосилимиз янада мўл бўлсин!

Халқимиз, элимиз дастурхонидан тўкин-сончинлик ҳеч қачон аримасин!

Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, танти ва бағрикенг, яратувчан ва она заминни севиб ардоқлайдиган азизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ, ҲАРАКАТ ВА ИНТИЛИШ ҲАР БИР ОИЛАНИ ФАРОВОНЛИК САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси мавжудлиги юқори даражада расман тан олинганидан сўнг уни қисқартиришга қаратилган муайян йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликка қарши курашиш устувор вазифа сифатида кўрсатилди. Давлатимиз раҳбари "камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш" эканини таъкидлади.

Ўзбекистон жамият ҳаётида давлатнинг аҳамиятини иштироки қазатилган ижтимоий типдаги мамлакатлар сирасига қиради. Бу давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятлари доираси кенг эканини англатади.

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" жорий этилди, ҳаётимизга "маҳаллабай" иш услуби кириб келди. Бу орқали ижтимоий ҳиммага олинган оилалар сони икки баробар ортиб, уларнинг молиявий таъминоти кучайтирилди. Кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси жорий этилиб, ёш чегараси 14 дан 18 ёшга, нафақа тўлаш муддати 6 ойдан 1 ёшгача узайтирилди. Жаҳон банки маълумотиға кўра, Ўзбекистонда пандемия даврида қарийб 5,2 миллион кишига моддий ёрдам кўрсатилган.

2026 йил якунига қадар ўта камбағалликни бутунлай йўқ қилиш, нисбий қашшоқлик даражасини икки баробар қисқартириш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, даромадлар тенгсизлигини 2020 йилдаги 7 баробардан

2026 йилда 4-5 баробаргача камайтириш чоралари қўрилади.

Мамлакат учун камбағалликнинг асосий салбий оқибати тиббий хизматлар ва таълим учун маблағ етишмаслиги бўлиб, бу инсон капитални ривожига ҳамда аксарият фуқароларнинг ўз иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини намоеъ этишига тўсқинлик қилади, аҳолининг иқтисодий фаоллигини сусайтиради, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожини тўхтатади.

Жорий йилда қандай вазифалар бажарилди?

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилда илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолининг, биринчи галда, ўта эҳтиёжманд гуруҳини ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш мақсадида камбағалликни қисқартириш комплекс тизими ва механизмларини шакллантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТГА ИЛМ-ФАН ВА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР БИЛАН ЭРИШИЛАДИ



Бошланиши 1-бета

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари янги университетда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

— Геология иқтисодиётига сув ва ҳаводек зарур. Охирги йилларда илмий мактабларни тиклаб, кадрлар тайёрлашга эътибор қаратяпмиз,

энг илғор илмий методикаларни жорий этиб, лаборатория ускуналарини ўрнатиб, замонавий шароитлар яратяпмиз. Энди натижага иш-лаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳозирги кунда университетда бакалаврият бўйича 7 та ва магистратура бўйича 6 та

йўналишда умумий 700 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Бу йўналиш ва мутахассисликларни соҳа эҳтиёжига қараб кенгайтириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 5 йиллик тажрибага эга, геология соҳасида ишлаб келаётган ходимлар учун таълимнинг сиртқи шакли ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда талабалар, профессор ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Лойиҳанинг биринчи босқичида ўқув биноси, ётоқхона ҳамда 2 та илмий институт, кутубхона, лаборатория ва геология музейи бинолари қурилади.

Иккинчи босқичда 7 қаватли лаборатория, 5 қаватли Давлат геология қўмитаси маъмурий биноси, 7 қаватли геология фонди ва Ўзбек геология қидирув биноси ҳамда спорт комплекси қурилади.

Президентимиз қурилишни сифатли якунлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Университет таркибида Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти, Минерал ресурслар институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Нефть-газ конлари геологияси ва қидирув институти, Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Геоинновацион технологиялар маркази ҳамда Давлат геология музейи фаолият қилмоқда.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлди.

Бу муассаса 1976 йилда қурилган бўлиб, 1 минг 178 ўринга мўлжалланган. Лекин бугунги кунда ўқувчилар сони бунга нисбатан кўп. Бино ва жиҳозлар ҳам эскирган.

Давлатимиз раҳбари синфхоналар, спорт зали ва ошхонани кўздан кечирди. Мактаб учун янги бино қуриш, ёшларга хунар ўргатиш, амалиёт дарсларини корхоналарда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Ҳамма жойда замонавий корхоналар очилапти, инвестиция лойиҳалари амалга ошириляпти. Уларни юртадиган салоҳиятли кадрлар керак бизга. Шунинг учун ҳам муаллим ва мактабларга, таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бераймиз. Салоҳиятли кадрлар рақобатни пайдо қилади. Қаердаки рақобат бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

Мулоқотда табибёт ва мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган устувор эътибор, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг мазмун-моҳияти, улар вақт ўтгач, пастдаги муаммоларни ўз бошидан ўтказган, салоҳиятли кадрга айланиши, шу орқали катта кадрлар заҳираси шакллантирилиши ҳақида сўз борди.

Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги 7-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди.

Мазкур муассаса сўнгги бор 1991 йилда капитал, 2018 йилда эса жорий таъмирланган.

Унинг қуввати 250 қатновга мўлжалланган бўлиб, ҳудуддаги 8 та маҳаллада яшовчи 41 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ёрдамчи бўлимлардан физиотерапия, функционал диагностика, эндоскопия, марказий клиник лаборатория, рентген, ультратовуш диагностикаси ҳамда кундузги шифохона фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳозиргача ҳудуддаги аҳолининг 93 фоизи тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 5 минг 518 нафар фуқаро учун соғломлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари поликлиникани замонавий тарзда капитал таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш бўйича топшириқлар берди. Мавжуд диагностика ускуналари маънан эскирганлиги сабабли янгиларига алмаштириш лозимлиги таъкидланди.

— Амбулатор ва стационар тиббий хизматни ўзида жамлаган янги тажрибани амалиётга жорий қилиш керак. Оилавий поликлиникаларга бириктирилган аҳолига сифатли ва арзон хизмат кўрсатиш тизимига ўтиш орқали ҳудуддаги шифохоналар билан соғлом рақобат муҳитини шакллантириш лозим, — деди Президент.

Шу ерда Мирзо Улуғбек туманидаги тиббиёт муассасалари фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

МУНОСАБАТ

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригидан.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати

Президентимиз раҳбарлигида ўтган беш йил халқимиз фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим салоҳият, ишонч ва орзу-умидларимиз рўёби сифатида бўй кўрсатди. Хусусан, эзгу мақсадларимизни амалга ошириш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётимизга муваффақиятли татбиқ этдик.

Бу қутлуғ жараёнда давлат бошқаруви органлари фаолиятида тўб ислохотлар амалга оширилди, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш тизими яратилди. Халқимизнинг ақлу заковатига таяниб, бунёдкорлик ишлари авж олди.

Бугун Ўзбекистон янги тараққиёт остонасида турибди. Шундай экан, юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар, барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, Конституциямизда белгиланган тамойил ва нормаларнинг самарали ишлай бошлагани, миллий қонунчилик тизими ҳам унга мутаносиб равишда такомиллашиб бораётгани барча муваффақиятларимиз асоси бўлганини эътироф этамиз.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолиб, шу йўлда кенг қўламли улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўпладик.**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида эса бу тамойиллар узвий ва изчил давом этиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин ҳозирланмоқда. Бунда **“Давлат — инсон учун”** тамойили бош мезон сифатида белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, давлат органлари фаолиятида очқиклик ва ошқоралик таъминланиши, уларнинг фуқаролар ва депутатлар олдидаги ҳисобдорлиги ошиши, аҳоли мурожаатларида билдирилган муаммоларни ҳал этишда сайёр қабуллар, маҳаллаларга бориб ўтказилаётган учрашувлар яхши самара бераётгани, неча йиллардан буюн безътибор қолган масалалар ечим топаётгани, энг муҳими, бу жиҳатлар қарорлар қабул қилинишида инобатга олинаётгани халқимизнинг давлатга ва ислохотларга ишончини янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбари Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригидан амалга оширилган ислохотлар таҳлили асосида Асосий қонунимиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида олдимизда турган вазифалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталди.

Биринчидан, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеаликка, шиддатли ислохотларимиз мантисиغا мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифа сифатида илгари сурилди.

Бу кейинги йилларда эришилган ютуқларимизни янада таъсирчан механизм асосида ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратиши билан ниятда аҳамиятлидир. Зеро, катта мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб ислохотлар самарадорлигига хизмат қилиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Ўз навбатида, демократик янгиланишларни қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Иккинчидан, парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш, ижро органлари устидан вакиллик назоратини қучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши қайд этилди.

Бу ҳам халқ ҳокимиятчилиги ҳаётининг таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий кенгашлар роли оширилиши, фуқаролик жамияти институтлари самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратилиши ислохотларнинг ҳудудлар ва маҳаллалар кесимида самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий макomini аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юритишнинг рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Шунингдек, маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий макomini аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юритишнинг рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади, ижро самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Ихчам бошқарув тизими ва иш юритишнинг рақамлаштириш айрим раҳбарларнинг аҳоли кутаётган ҳаётини муам-



моларни ҳал қилиш ўрнига қоғозбозлик ва самарасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳар қандай давлат ҳам қарорлар қабул қилишда халқ вакилларининг фикрлари билан ҳисоблашиб, жамоатчилик билан қарорлар лойиҳалари муҳокама-сига эътибор қаратавермайди, ҳукумат ўзи учун қулай дастур асосида ишнини ташкил этади. Шу маънода, халқ ҳокимиятчилигини таъминлашга оид конституциявий қоидага содиқ қолган ҳолда, унинг амалийлигини таъминлашга қаратилган конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар, табиийки, норма ижодкорлигини ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилади.

Бу эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқишидан то кучга киргунча бўлган барча босқични самарали ташкил этишда жамоатчилик фикри инобатга олинishi унинг ҳаётийлигига, халқчиллигига хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, **қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши керак.**

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам аҳоли билан ишлашининг замонавий технологияларидан фойдаланишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бунда, албатта, аҳолининг тўғри қатламларига қонунлар мазмун-моҳиятини етказиш билан бир қаторда, муҳокамадаги қонун лойиҳалари ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид тақлифлар ҳам ўрганилиб, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилмоқда. Бизнингча, қонун лойиҳаларини, жойларда Халқ депутатлари кенгашлари қарорлари лойиҳаларини жамоатчилик билан муҳокама қилишнинг замонавий механизmlарини амалиётга киритишнинг ҳуқуқий таъминлаш мазкур соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим асос бўлади.

Мамлакатимизда қутилаётган конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар халқ ҳокимиятчилиги ҳаётийлигини таъминлашда, инсон қадрини юксалтиришда, юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт йўлида бirlaшиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишдаги шижоатини қучайтиришда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

ИНСОНПАРВАРЛИК

ОЗОДЛИК — ЭНГ БЕБАҲО ИМКОНИЯТ

Йигирма икки йилдан сўнг маҳалласини, уйини таний олмаган юртдошимиз ҳикояси

Дунёда энг қадрли нарса — инсон туйғулари. Яхшими, ёмонми, ҳар бир одам орзу ва умид қилаётганда, бахт томон талпинаётганда бир хил қиёфада намоён бўлади. Муайян сабаб билан ёки сабабсиз, баъзан тасодифан жиноятга қўл урган, йўлдан адашган кимсаларнинг ҳам қачондир қалби меҳр-муҳаббатга тўла бўлган.

Улар ҳам қачондир онасининг сочларини силган, жигарининг қайғусидан юраги вайрон бўлган, қувончидан севинган, кимгадир кўнгил қўйган, бировга яхшилик қилиб, кўнгли таскин толган. Бироқ...

Маъруфхўжа Умаров Тошкент шаҳрида туғилиб, воёга етди. Айни йигитлик даврида тўғри йўлдан адашиб, озодликдан маҳрум этилди. Оилада етти фарзанднинг энг кичиги бўлган Маъруфхўжа Муродхўжа ака ва Муаззамхон аянинг эрка фарзанди эди. “Ўғлимиз эрта-индин уялиниб, бир қизни бахтли қилади”, деб ўтирган ота-онанинг ҳам, жигарларнинг ҳам қутлимаган хабардан кўнгли вайрон бўлди. Улар йигирма икки йил ана шу изтироб ичида яшади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатыб йўлдан бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони асосида бир гуруҳ юртдошларимиз афв этилди. Улар қаторида Маъруфхўжа Умаров ҳам муддатидан илгари озод қилиниб, оиласи бағрига қайтарилди.

— Ўйламай нотўғри йўлга босган қадамимнинг бадали оғир бўлишини билмаган эдим, — дейди М.Умаров. — Бу қадам билан нафақат ўзимнинг ҳаётимни барбод қилдим, ота-онам ва

яқинларимнинг ҳам боши эгилди, шунча йил азоб-ўқубатда кун кечирди. Ота-онам кесайиб қолди. Ҳар гал уларни ўйласам, виждон азобида қийналанам.

Улар аввал Бухородаги 17-жазони ижро этиш колониясига мени қўришга бориб туришган бўлса ҳам охириги йилларда соғлиги кўтармай қолди. Мен қилмишимдан пушаймон бўлдим. Афв сўрадим. Бироқ барибир кечиришмайди, деган қўрқув ва хавотир билан яшадим. Менга “озодсан” деган сўзни айтишганида, тўғриси, ишонмадим. Йўланмани кўрсатишганида эса кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Менга ишониб, афв этгани учун Президентимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Элу юртимга фойдам тегадиган йилларни бой бердим, кеч бўлса-да, ўз ишим — уй таъмирлаш билан шуғулланиб, халқимизга хизмат қиламан. Бухородан Тошкентга етиб келгунча йўл-йўлакай ҳаёлимдан қанча ўй ўтди, билмайман. Тасаввуримда ўша йиллардаги шахар. Қидираман-қидираман, ҳеч қаерни танимадим. Ҳатто ўз маҳалламиз, болалигимиз ўтган кўчаларни ҳам. Ҳамма ер одам танимас даражада ўзгариб, обод бўлиб кетибди.

Ҳа, йигирма икки йил айтмоққа осон фурсат. Бироқ бу вақт силсиласида замину замоннинг қанча эврилишлари ўтиб кетди. Ўғлининг соғинчида отанинг юзини ажиқлар қоплади, оназорнинг сочлари қумшусту олди. Маъруфхўжа аканинг

айтишича, кўп жиянлари фарзандли бўлган, уларни танимайди. Улар билан танишиши, оилага мослашиши учун яна вақт керак.

— Одамларга ўхшаб кексалик гаштини суроламадик, — дейди Муродхўжа Умаров. — Йигирма икки йил онаси билан йўл пойладик. Одам тақдирга тан бераркан, соғиниб-соғиниб қўнкаркан ҳам. Лекин кутавераркан, яхши қўнлар келишига ишонавераркан. Ҳар байрамда янгилик кутамиз, яхши хабарлар келар, деб интиқ бўламиз. Насиб экан, мана, ўғлимиз бағримизга қайтди. Ўз вақтида жиддий назоратга олмаганим, эътибор қаратмаганим учун ўзимни айбдор санайман. Президентимиз фарзандимизни афв этгани юрагимдаги оғриқни босгандай бўлди. Минг раҳмат. Энди биз ҳам одамга ўхшаб яшаймиз.

Афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиши, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун давлатимиз томонидан кўмак берилади. Улар ҳам мамлакатимизда яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, жамиятимиз ва оиласи учун астойдил хизмат қилади, дея ишонамиз. Зеро, озодликнинг ўзи энг бебаҳо имкониятидир.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Оқангарон: Янги Корхона — Янги Иш Ўринлари

Тошкент вилоятининг Оқангарон туманидаги “Қизилкой” маҳалласи ҳудудида янги цемент заводи қурилишига тамаал тоши қўйилди. Бу лойиҳа “Toshkent conch cement” маъсулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг “CONCH” корпорацияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

— Хитойнинг катта тажрибага эга компанияси билан ҳамкорлик қилияпмиз. Цемент ишлаб чиқариш лойиҳасига тумандаги “Қизилкой” маҳалласи ҳудудидан қарьер учун 183,3 гектар, завод қурилиши учун эса 34,2 гектар ер ажратиб бердик, — дейди Оқангарон тумани ҳокими Абдурашул Абдуллаев. — Лойиҳанинг самарали рўёбга чиқиши учун 200 миллион доллар хориж инвестицияси сарфланishi ҳисоб-китоб қилинди. Хитойлик ҳамкоримиз 16,7 миллион доллар миқдорда дастлабки тўғридан-тўғри хорижий инвестиция қиритади. Бу маблағга бугунги кунга қадар 40 дан зиёд махсус техника ва замонавий асбоб-ускуна олиб келинди. Завод йилгига 2,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 400 та янги иш ўрни яратилади. Яқин келажакда туманимиз sanoatida ишлаб чиқариш махсусдорлиги ва ўсми суръати янада ошади. Тармоқдаги йўналишлар ҳам янгилари ҳисобига кўпаяди.

— Хитойнинг “CONCH” корпорацияси 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, цемент ишлаб чиқариш бўйича етаци давлат корхоналаридан ҳисобланади, — дейди “Toshkent conch cement” МЧЖ ижрочи директори Хе Вухуа. — Фаолиятимиз кўп тармоқли — цемент, кимёвий материаллар, чиқиндиларни қайта ишлаш, юк ташиш, қурилиш соҳаси каби кўплаб йўналишларда ишлаймиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз натижасида нафақат Тошкент вилоятида, балки мамлакатининг бошқа ҳудудларида ҳам юқори сифатли цемент ишлаб чиқарадиган бир неча заводни ишга туширдик ва туширмақдамиз.

“CONCH” корпорациясининг 500 дан ортиқ шўъба корхонаси мавжуд бўлиб, Ўзбекистон, Индонезия, Лаос, Мьянма, Камбоджа ва бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатади. Оқангаронда қурилаётган заводга Thyssen Krupp, Gebr Pfeiffer, Aumund, IKN, Fives Pillard каби гигант

компанияларнинг энергетикакор технологиялари ўрнатилди. Натижада энергия сарфи икки баробар камаяди. Лойиҳа 2023 йилда тўлиқ фойдаланишга тошпирилади.

Маълумотларга кўра, 2016 йилда мамлакатимизда 8,6 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 12,5 миллион тоннага етди. 2020 йилда Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида йиллик қуввати 1,8 миллион тоннага тенг 3 та янги завод ишга туширилди.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш бошланган ушбу йирик завод Оқангарон ҳудудида sanoat янада ривож топиши, аҳоли фаровонлиги ортishi ва туманининг экспорт салоҳияти кенгайишига хизмат қилади.

Гулиҷеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ

“БОҒИШАМОЛ”ДА ЯНГИЛАНИШЛАР
БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Бу маҳалла тинчлиги ва аҳоли фаровонлигида сезилади

Бугун жамият катта ўзгаришлар кучоғида яшамокда. Бу янгиланишлар аҳоли турмуш тарзига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади — ҳамма ҳаракатда. “Олма пиш, оғзимга туш” ёки “Берсанг ейман, бермасанг — ўламан” дея фикрлайдиганларнинг замони ўтди чоғи, каттаю кичик ўз олдига мақсад қўйиб яшайдиган бўлди. Интилган борки, турмушига барака, ҳаётига мазмун кирди. Ташаббуслар қўпайди.

Чекка-чекка қишлоқларга борсангиз ҳам қайноқ ишнинг устидан чиқасиз: маҳалла кўчаларига асфальт ётқизиляпти, кимдир дарахт экиб, кўкаламзор қиляпти, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган юртдошларимиз рўзгори савобталаб кишилар химмати туфайли файзиёб бўляпти, уйга муҳтож оилаларга уй қуриб берилляпти, борлариники таъмирланяпти. Бу ишларнинг баъзилари давлат кўмаги билан амалга ошаётган бўлса, баъзилари одамларнинг ташаббуси билан қилиняпти. Ўз гўшасининг ободлигию фаровонлиги учун жон куйдирадиганлар кўпаймоқда.

“Бир-биримизни
қўллаб-қувватлаймиз”

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Боғишамол” маҳалласи жиноятчиликлардан холи ҳамда оилавий ажрашиш ва жанжаллар йўқ ҳудуд сифатида эътироф этилади. Маҳалла аввал Қўбрай туманига қарашли бўлган, яқинда Тошкент шаҳри ҳудудига киритилган. Маҳаллага қўйган илк қадамнингизданок баҳри дилнингиз очилади. Кўчалар тоза, обод. Маҳалла аҳил экан, деган уй ўтди ҳаёлимиздан. Чунки ободликнинг боши — аҳиллик.

Адашмабиз, оилалар, кўни-қўшнилари чиндан ҳам аҳил экан. МФЙ раиси Шарофат Жалилова бошчилигида бу ерда одамлар бирлашиб, яхши ташаббусларни амалга оширмоқда.

Маҳалла тизимида 2015 йилда иш бошлаган Шарофат опа дастлаб котиба, кейин маҳалла раисининг диний масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлган. Бир йилдан сўнг Қўбрай тумани “Оила” марказида етакчи мутахассис сифатида фаолият олиб борган. 2019 йил “Боғишамол” маҳалласи раиси этиб сайлангач, ўзи яшаб турган ҳудуднинг бутун масъуллигини зиммасига олди. Икки йил давомида ҳар бир хонадонга кириб борди. Худуд тинчлиги ва фаровонлиги учун доимий ҳаракатда. Масъулиятдан, меҳнатдан қочмайди.

— Маҳалламизда 2926 нафар киши яшайди, — дейди Шарофат Жалилова. — Шундан 1396 нафари хотин-қиз, 303 нафари

18-30 ёшлилар. Аҳолининг асосий қисми зиёлилар бўлгани учун маҳалладошлар билан тил топишиш қийин бўлмади. Кун бўйи ишда бўлишига қарамай, маҳалла-қўйдаги ҳамма янгилликлардан, ўзгаришлардан бохабар. Кимникида тўй, кимникида аза — қандай маросим бўлса, бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз, ёнида тураимиз. “Менинг вақтим йўқ”, деган гап



бизга ярашмайди. Аҳоли меҳнатни яхши кўради, бирор хизматга қаҳирсангиз, бўйин товламайди. Хайрли ташаббуслари билан ҳаммиша ёнимда туради. Шу ўринда айтишим лозимки, маҳалланинг туб аҳолиси орасида ижтимоий ҳимояга мансуб оилалар деярли йўқ. Ҳатто пандемия вақтида ҳомийларимиз бирлашиб, бошқа туманларга моддий ёрдамлар

берилди. Уларнинг аҳиллигини, бир мақсад атрофида бирлашишини кўриб, чарчоғингиз чиқади. Бу борада давлатнинг, ҳокимликларнинг маҳалла раисларини қўллаб-қувватлаши, аҳолини ўйлаб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб рағбатлантириши ҳам катта ёрдам бўляпти. Маҳалла раиси вазифасининг юки оғир. Баъзида кўшнилари орасига кирасиз, айрим пайларда оила-

берилди. Уларнинг аҳиллигини, бир мақсад атрофида бирлашишини кўриб, чарчоғингиз чиқади. Бу борада давлатнинг, ҳокимликларнинг маҳалла раисларини қўллаб-қувватлаши, аҳолини ўйлаб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб рағбатлантириши ҳам катта ёрдам бўляпти. Маҳалла раиси вазифасининг юки оғир. Баъзида кўшнилари орасига кирасиз, айрим пайларда оила-

Ха, Шарофат опа ҳақ. Одам масъулият заворини ҳис қилса, ишда унум, топганида барака бўлади. Чарқок нималигини унуттади, иш ҳам ҳордиқ чиқаргандай завқ-шавқ беради одамга.



Ҳамма йўдошев олган суратлар.

Болажонларнинг узоғи яқин бўлди

Сўнгги йилларда жамиятда аёлларга эътибор кучайди. Гендер тенглики таъминлаш, аёллар учун меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг билим ва салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқаришга қаратилган янги тизимлар яратилди. Айниқса, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ва маънавий кўмакка муҳтож оилалар, аёллар ва ёшлар рўйхати шакллантирилди. Шу қаторда уларнинг тадбиркорлигига ҳам юксак аҳамият берилмоқдаки,

бунинг ортидан қўллаб-қувватлаш иш ўринлари очилмоқда. Жамиятда аёлнинг мавқеи юксалмоқда.

“Боғишамол” маҳалласида ҳам аёллар тадбиркорлиги бараб. Нигора Калонова уй-боғча очиб, ҳам ўзи, ҳам маҳалладаги 10 нафар аёлни иш билан таъминлади.

Маҳалла ҳудудида мактаб ва боғча бўлмагани боис, болалар таълим олиш учун қўшни маҳаллаларга, баъзан шаҳарнинг олис ҳудудларига қатнариди. Бу қиш-қировли ёки саратон кунларда, айниқ-

са, мактабгача ёшдаги болаларга, уларнинг ота-оналарига қийинчилик туғдирарди.

Нигора Калонова ўз ҳовлисида уй-боғча очиб мақсадида маслаҳатлашгани келганида маҳалла фаоллари бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлади. Муассаса тегишли руҳсатни олиб, илк болаларни бағрига олгунча барча бирлашиб ҳаракат қилди. Боғча очилиши маҳаллада ҳақиқий байрамга айланди.

Бу ерда яратилган шароит ки-

шининг ҳавасини келтиради. Гуруҳларда ривожлантирувчи марказлар мавжуд. Машғулотлардан ташқари инглиз тили, мусиқа ва бадий гимнастика тўғрисида фаолият йўлга қўйилган. Кичиктоиларнинг вақти қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Муассаса Ишмонова болаларга чет тил жозибасини кўрсатса, Зебо Қурбонова мусиканинг сеҳрли оламига ошно этади. Кичиктоиларнинг жисмоний чиникиши, соғлом ўсишида Азиза Тўйчиевнинг алоҳида ўрни бор.

Нигора КАЛОНОВА,
“GENTLE KIDS” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари:

— Муассасамиз 50 ўринга мўлжалланган. Айни пайтда болажонлар 3 гуруҳда таълим-тарбия олмоқда. Машғулотлар “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида ўтказилади. Бугуннинг болалари жуда тийрак. Уларни ҳайратлантириш, машғулотларга қизиқтириш учун тарбиячилар ўз устида тинимсиз ишлаши, янгилликлар яратиши керак. Бу борада қўшимча материаллар излаймиз, яратамиз. Ўғил-қизларимизнинг вақти исроф бўлмаслиги учун ҳаракат қиламиз.

Дастлаб боғча очиб икки қиланган Нигора опа маҳалла фаоллари маслаҳати ва қўллаб-қувватлаши билан ишини йўлга қўйиб олганидан мамнун. Тарбиячи ҳамда мутахассислар эса

иш билан банд, сеvimли касби ортидан рўзгорига даромад келтираётганидан хурсанд.

Катта гуруҳ тарбиячиси Шахноза Исаеванинг айтишича, у икки миллион сўм маош олади. Бу ердаги иш ҳам сеvimли машғулоти билан вақтини мазмунли ўтказишга, ҳам қўшимча даромад олишга хизмат қилмоқда.

— Ёш организм учун тўғри овқатланишнинг аҳамияти жуда муҳим, — дейди салкам йигирма йиллик тажрибага эга ошпаз Тўхтагул Қуликеева. — Бу жихатга жиддий эътибор қаратамиз. Болаларнинг соғлом овқатланишида кунлик рацион тузишда ҳар бир маҳсулотнинг мувофиқлигини таъминлаш, ҳатто вазнига аҳамият қаратиш муҳим саналади.

Маҳаллада янги
иш ўринлари
яратилмоқда

Тажрибали педагог Рўзихон Адизова ўқув маркази очиб, маҳалла ёшларига чет тилларни ўргатишни бошлади. Бу орқали ҳам янги иш ўринлари, ҳам маҳалла болалари учун ўз ҳудудида қўшимча таълим олишга шароит яратилди.

Хосият Ҳусанованинг қўлида гулдай ҳунари бор. У тикувчиликнинг ҳадисини олган. Бироқ тикув машинасига бўлган эътиёж туфайли у ўз ҳунарини ёшларга ўргата олмасди. Маҳалла ёрдами билан унинг бу муаммосига ечим топилди. Халқ банкдан ажратилган 30 миллион сўм кредит эвазига учта тикув машинаси сотиб олди.

— Тикувчилик аёллар учун ҳеч қачон урфдан қолмайдиган касб, — дейди у. — Мавсумга қараб, йўналишингизни белгилаб олаверасиз. Тикув машиналари келгач, ҳарбий кийимлар тика бошладик. Бозоримиз чаққон. Бунинг ортидан кичик цехимизда учта янги иш ўрни яратилди. Тайёр маҳсулотларни бозорга олиб чиқамиз, баъзан ишларимизни кўриб, бюуртма ҳам беришляпти. Ҳаракат қилсангиз, кунингиз ўтаверар экан. Уйда бекор ўтиргандан кўра, ҳам рўзгор ишларига улгураман, ҳам яхши кўрган касбим билан банд бўламан. Даромадимиз ҳаракатимизга яраша, нолиш йўқ.

Маҳаллада ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини яхшилаш йўлидаги кенг қўламли зғуру ва хайрли ташаббусларни янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Яхшилар бор яхшиям: ташаббус ортидан бир оила уйли бўлди

“Боғишамол” маҳалласидаги бир-икки ҳовлини айтмаса, бу ерда хонадонни ижара олиб яшовчилар йўқ ҳисоби. Энг муҳими, маҳалла аҳли бу ерда вақтинча яшаётган маҳалладошларни ҳам бегона санамайди. Тўй-ҳашамларга таклиф қилади. Байрамларда йўқлайди, ҳолидан хабар олади.

Гулбаҳор Мадримова олтимш ёшдан ошди. Тиниб-тинчимас бу аёл саккиз жоннинг ғамини ейди. Олти йилдан бўён шу маҳалланинг тузини еб кунди ўтади. Турмуш ўртоғи автомобиль ҳалокатидан сўнг ишга ярамай қолган. Оиланинг асосий устуни Азизбек эса 2-гуруҳ ногирони. Унга мунтазам қаров керак. Шундай бўлса-да, турмуш ўртоғи Лобар билан маҳалланинг ободонлаштириш ишларига масъул. Бундан ташқари, кўни-қўшнилари ишларига қарашиб, рўзгорига кўмаклашиб юради.

Жорий йил бошида улар вақтинча яшаб турган уй сотувга қўйилди. Оиланинг бошпанаси йўқ, ижара учун бошқа уй топайлик деса, даромад масаласи қийин. Гулбаҳор опанинг боши қотди. Маҳалла раиси Шарофат Жалиловага келиб дардини айтди. Раис маҳалла фаоллари ҳамда маҳалла масжиди имом-хатиби билан кенгашиб, оила учун акция бошлади. Тез орада саксон миллион сўмга яқин маблағ йигилди. Бу эса, табиийки, уй учун етмасди. Улар давлатдан субсидия ёки кредит олиш масаласини ҳам ўйлади, бироқ оиланинг кредит тўлаш учун моддий аҳволи



тўғри келмайди. Бу орада яна ҳомий топилди: ёши улуг отахон муборак ҳаж сафари учун йиққан маблағини шу оилга бериш таклифини билдирди. Отанинг иши ўғли учун ибрат бўлибди: у ҳам машинасини сотиб, шу оиланинг уйли бўлишига ҳисса қўшди. Натижада саккиз кишилик оилга эмин-эркин яшаши учун қўп қаватли уйлардан хонадон сотиб олинди. Уй Гулбаҳор Мадримованинг номига расмийлаштириб берилган кун опа қувончдан кўз ёшларини тиелмади, Азизбек ва Лобар ҳам уч нораси-

да фарзандига қўшилиб, хурсандлигини яширолмади.

— Йигирма йилдан ошдики, атрофимиздагиларнинг инсонийлиги бизни тўтиб турди, — дейди Гулбаҳор опа. — Аввалбошда ҳаммаси яхши эди. Турмушимиз фазил, ҳаётимиздан рози эдик. Турмуш ўртоғим тадбиркорлик ортидан бизни ҳеч кимдан кам қилмади. Қўтирмаганда унинг бошига иш тушди. Дўконини тунашди. Катта миқдорда қарзга ботдик. Қарзни тўлаш учун яшаб турган ҳовлимизни сотдик. Бу орада у кишини

машина уриб кетди. Ишга ярамай қолди. Шундан сўнг ижарама-ижара сарсон юришларимиз бошланди. Кичкина ўғлимда эпилепсия бўлгани учун унга доимий қаров керак. Хуллас, 2015 йили шу маҳаллага қўчиб келдик. Давлатимиз томонидан мунтазам равишда моддий ва маънавий кўмак берилади. Бугун эса яхшилар кўмаги билан бизга уй тақдим қилинди. Қувончимни, шукронамни сўз билан изоҳлаб беролмайман. Уйли бўлишимизга бош қўшганларни дуо қилялман. Барчаларининг тану жони саломат, мартабалари зиёда бўлсин. Ҳатто уларнинг исмини ҳам билмайман, танимайман. Мен инсонийлик олдида таъзимдаман.

Гулбаҳор опа ва оиласи ижарама-ижара қўчиб юриш ташвишидан қутулди. Энди уларнинг ўз уйи бор!

“Боғишамол” маҳалласида бу каби ибратли ишлар, ташаббуслар талайгина.

Маҳалла турли тадбир ва танловларда эътироф этилмоқда. МФЙ 2019 йили “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Файзли хонадон” қўриқ-танловларининг Тошкент вилояти босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритган. 2020 йилда маҳалланинг “Пандемия шароитида аҳолига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш” лойиҳаси учун Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссия-

си томонидан грант ажратилди. Бундан ташқари, маҳалла раиси Шарофат Жалилова фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар ўртасида ўтказилган “Биз ажрашишларга қаршимиз!” мавзусидаги ишлар танловида фаол иштирок этиб, 1-даржали диплом билан тақдирланди.

— Асли касбим — ҳамшира. Маҳалла тизимида фаолият юритишим мумкинлиги ҳаёлимга ҳам келмаган. Бугун эса бу тизимга нега эртароқ келмадим, дея ўзимни қийинман. Давлатимиз раҳбарининг маҳалла таълимга қаратган юксак эътибори фаол ҳаракат қилишимиз учун катта мотивация бўлмоқда. Шу пайтгача ҳеч бир олий ўқув юртида маҳалла тизими ҳодимлари учун алоҳида факультет ёки йўналиш йўқ эди. Президентимиз ташаббуси билан бу йил илк марта оилалар билан ишлаш бўйича ижтимоий иш факультетлари очилди ҳамда маҳаллаларда фаолият юритаётган намунали ҳодимларга тавсиянома берилди. Мен ҳам шу имтиёз билан 59 ёшимда Чирчиқ давлат университети талабаси бўлдим.

Бугун юртимизда маҳаллалар йиғинларига давлат ва жамиятнинг асосини ташкил этувчи тузилма сифатида эътибор кучаймоқда. Бу халқ розилигига эришим ва фидойилик кўрсатиб ишлаш демакдир. “Боғишамол” МФИда бошланган зғуру ишлар ана шу эътиборнинг намона бераётганидан дарақдир.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўз ишини топиб, уни бажариш орқали даромад кўрадиган кишилар ўзини ўзи банд қилган касб эгалари тоифасига кирди. Замоновий ибора билан айтганда, улар фрилансерлар ҳисобланади. Мазкур фаолият тури нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

68 та йўналиш бўйича хизматлар

Айталик, юртдошларимиздан бири олис тоғ қишлоғида яшайди. Умрини деҳқончилик ва боғдорчилик билан ўтказган, шунинг орқасидан оиласини тебратиб келган. Шу тарика пенсия ёшига етди ва табиийки, нафақа олиш учун мутасадди идорага мурожаат қилди.

Жавоб тайин. Меҳнат стажингиз бўлмагани боис, нафақа олиш учун беш йилдан кейин мурожаат қилишингиз мумкин. Чунки ўша кезде иш стажига эга бўлмаган фуқаролар учун ижтимоий нафақа — эракаларга 65, аёлларга 60 ёшдан тайинланади.

Бошқа имкониятлар

Ўзини ўзи банд қилиш фаолиятдан олинган барча даромадлар жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тортилмайди. Қанча топса ҳам ўзида қолади. Бир йилда бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари — 2021 йилнинг 1 декабрь ҳолатида 270 минг



лансерлар учун масофадан ҳисоб рақами очиш, почта, тўловларни қабул қилишда қатор тўсиқлар мавжуд бўлган.

— Давлатимиз раҳбарининг юқоридagi қарорида бу жиҳатлар ҳам ўз аксини топиб, интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатиб, ўзини ўзи банд қилган шахсларга қатор ҳуқуқлар берилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Мавлудхон Хўжаева. — Жумладан, энди улар кўрсатилган хизматлар учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахс-



МЕН — ФРИЛАНСЕРМАН!

Мамлакатимизда бу йўналишда фаолият юритаётганлар сони 1 миллион 157 минг нафарга етди

Илгарилари наинки тоғлик ҳамюртимиз, балки бошқа йўналишларда ишлаган фуқароларимиз ҳам ана шундай муаммоларга дуч келарди. Яъни, 2019 йил 9 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига қўра, бундай шахслар базавий ҳисоблашнинг 4,5 баравари миқдоридagi (ўша пайтда тахминан 1 миллион сўм) тўловни амалга ошириб, 12 ой учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасига эга бўларди. Унинг фақатгина 60 фоизи Молия вазирлиғи ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — ўзини ўзи банд қилган фуқаро томонидан ягона ижтимоий тўловни тўлашга йўналтириб келинган. Бу, ўз навбатида, муайян мунозарали ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу каби муаммолар барҳам топди.

— Мазкур қарор билан 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган ишлар, хизмат турлари рўйхати кенгайтирилди, — дейди Давлат солиқ кўмитаси Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаментининг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Шухрат Исмоилов. — Унга бир йўла 43 та йўналиш, асосан, онлайн ва медиа хизматлари қўшилиб, 23 тадан 67 тага етказилди.

Ўша пайтгача амалда бўлган вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бекор қилинди. Ўзини ўзи банд қилган шахслар махсус мобилъ илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинетига орқали ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтиши мумкин. Ўзини ўзи банд қилган шахсларга маълумотнома чекланмаган муддатга берилди ва уларни рўйхатдан ўтказишда ҳақ ундирилмади.

Махсус мобилъ илова ёрдамида бюртмаларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш, ЭЎФ (электрон ҳисоб-варақ фактура)ларни тақдим қилиш, даромадлар ва харажатларни ҳисобини юритиш, ўз товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш имконияти мавжуд.

Президентимизнинг 2021 йил 5 майдаги тегишли фармони билан жорий йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик

сўм миқдоридa ижтимоий солиқ тўлашнинг ўзи кифоя қилади. Уни ҳар қандай тўлов тизими орқали амалга ошириш мумкин.

Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

Нафақа ёшига етган вақтда зарур иш стажи мавжуд бўлса, пенсия минимал миқдорда — 565 минг сўм (2021 йил 1 декабрь ҳолатига қўра) бўлади. Агарда иш стажига етарли бўлмаса, давлат ҳар ойда 400 минг сўм (2021 йил 1 июль) миқдоридa нафақа тўлайди.

Ўзини ўзи банд қилувчилар сўғурта ва бошқа йиғимларни тўлашдан озод қилинган.

— Мен новвойлик билан шугулланаётганимга 10 йилдан ошди, — дейди Термиз шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган фуқаро Шамсиддин Қаюмов. — Солиқчилар кўмағида “solid” мобилъ иловасидан фойдаланиб, ўзимни ўзим банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтдим. Бунинг афзаллиқ томонлари жуда кўп экан. Шу йил учун пенсия жамғармасига 270 минг сўм тўловни амалга оширдим. Тўғрисида айтсам, бошида иккиланиб турдим, тасаввур қилинг, бир йилда 4 миллион сўмга яқин солиқ тўловларни амалга оширганам қайда-ю, 270 минг сўм тўлаш қайда?! Биз каби касб эгаларига яратилаётган имкониятлардан мамнунман.

Қайд этиш жоиз, амалдаги қонунчиликка қўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қилмаслиғи ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиғи тўғрисидаги талаб сақланиб қолган.

Чет элда ишлаётган бўлсангиз ҳам

Бугунги кунда юртимизда кўплаб ёшлар уйда ўтириб, интернет орқали дизайнёрлик, таржимонлик, дастурлаш, реклама, репетиторлик каби хизматларни кўрсатмоқда. Лекин бундай мутахассислар, яъни фри-



лар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг банкларидagi ҳисоб рақамларига қабул қилинмоқда. Шунингдек, шартнома тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий тақлифни қабул қилиш (оферта) ёки электрон ёзишмалар алмашув ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиши ва ишлар бажариши мумкин.

Айни чоғда хорижий фуқаролар ҳам мамлакатимизда рўйхатдан ўтиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолият юритишлари мумкин.

Соҳалар бўйича олганда...

Мен фрилансер бўлмоқчиман, деб мутасадди идораларга мурожаат қилаётганлар сони тобора ортиб борапти. Давлат солиқ кўмитасининг маълумотларига қараганда, агар ўтган

йил охирига келиб, 547,6 минг фуқаро ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, ушбу рақам жорий йилнинг 1 декабрига қадар 1 157 минг нафарни ташкил этган.

Уларнинг кўпчилиги (334,3 минг киши) маиший хизматлар — сартарошлик, косметолог, қалитлар тайёрлаш, пойабзал таъмирлаш соҳасида ишлайди. Шунингдек, 290 минг киши қишлоқ хўжалиғи — чорва молларини парвартиш қилиш, томорқа эгаларига ёрдам бериш соҳасида меҳнат қилади. 194,1 минг киши ижтимоий хизматлар, яъни репетиторлик, анағалик, уй хўжалигини юритиш билан шугулланади.

196,9 минг нафар фуқаро ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр-монтаж ишлари билан банд, 115,1 минг нафар шахс новвойлик, қандолатчилик, салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни ўз касбига айлантирган ва шундан даромад топиб келяпти.

Демакки, юқоридa қайд этганимиз олис тоғ қишлоқда яшовчи деҳқон ҳам улар сафидан жой олиши ва ўз меҳнат стаҳига эга бўлиши мумкин. Бинобарин, ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ҳисобга олиниши, банд аҳоли нима иш билан шугулланаётганлиғи, яъни қанча юртдошимиз сартарош, этиқдўз, тикувчи, репетитор, дизайнер ёки бо-

“Кўк” ва “қулранг” ёқалилар

Дунёнинг жуда кўплаб давлатларида расман бирор ташкилотда ишламайдиган, ўз бизнесини ташкил қилмаган, аммо пенсия таъминоти кафолатланган, иш билан банд деб ҳисобланадиган миллионлаб кишилар бор. Мисол учун, Ҳиндистонда аҳолининг 75, Бангладешда 70, Кенияда ўртача 60 фоизи учун бу йўналиш нафақат кунлик даромад манбаи, балки давлат томонидан ҳимояга эга бўлиш учун заруратга айланган.

Таҳлилларга қараганда, АҚШда жами иш билан банд аҳолининг 30 фоизини шу тоифадаги кишилар ташкил этади. Улар, айниқса, қишлоқ хўжалиғи, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида энг кўп қайд этилган. Турли хўналардан ташқари артистлар, созандалар, бухгалтерлар, шифокорлар ва кўчмас мулк агентлари ҳам ўзини ўзи банд қилишлари мумкин.

Буюк Британияда ўзини ўзи банд қилганлар фаолиятларини яқка ҳолда, шериклик асосида ёки МЧЖ кўринишида ҳам олиб бормоқда. Жисмоний имконияти чекланган кишилар орасида бундай йўналишдаги касб эгалари 18,8 фоизни ташкил этади.

BCG компаниясининг маълумотларига қараганда, Бразилия, Индонезия, Хитой каби мамлакатлардаги рақамли платформа орқали иш изловчи аҳолининг 55 фоизини “кўк ёқалилар” (ҳайдовчи, курьер, фаррош сингари касб-кор эгалари) ва “қулранг ёқалилар” (репетитор, фитнес-мураббий, ҳамшира, анағалар) ташкил этади.

Халқроқ меҳнат ташкилотининг (ХМТ) 2019 йил охиридаги маълумотига қўра, дунё бўйича ишлабдиганларнинг учдан бир қисми ёлланма ходими бўлмаган, ўзини ўзи банд қилувчилардан иборат. Бу рақам коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий инқироз шароитида

янада катта салмоқ касб этиб борапти. Чунки 2020 йилнинг апрель ойига келиб, жаҳон бўйича меҳнат қилувчи 3,3 миллиард кишининг 81 фоизи учун иш ўринлари тўлиқ ёки қисман ёпилди. Натижада уларнинг кўпчилиги масофадан туриб ишлаш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш тизимига ўтишларига тўғри келди.

ХМТ ҳисоботида қайд этилишича, глобал меҳнат бозори 2023 йилгача коронавирус пандемиясидан олдинги кўрсаткичларига эриша олмайдди. Ташкилот экспертлари 2022 йилда дунё бўйича ишсизлар сони 205 миллионга етишини тахмин қилмоқда. Чунки пандемиядан аввал жаҳонда тахминан 187 миллион нафар ишсиз бўлса, ўтган йили улар сони яна 5,7 фоизга кўпайди.

Муҳим ижтимоий жиҳат

Бугунги кунда инсоният мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инқироз ҳа-нўз давом этмоқда. Афсуски, мазкур салбий таъсирдан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ. Бундай шароитда яшаш ҳар бир кишидан катта куч, ирода билан бир қаторда ҳалол даромад топиш орқали яшаш тарзини яхшилаш-ни талаб этаяпти.

Бундай вазиятда ўзини ўзи банд қилишнинг аҳамияти катта эканини жаҳон тажрибаси, шунингдек, юртимизда бу борада қисқа даврда амалга оширилган ишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Фрилансерлиқни аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хўнарга ўқитиш, эҳтиёжманд шахсларни манзилли қўллаб-қувватлаш орқали ҳам ривожлантириш имконияти бор.

Президентимиз шу йилнинг 3 декабрь кунини “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини имзолади. Унга мувофиқ, 2022 йилда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича жами 2 триллион 159 миллиард 146 миллион сўм (200 миллион 664 минг доллар) субсидия ажратилаётганининг ўзи фрилансер бўлиш имкониятини нечоғлиқ кенгайтиб бораётганини, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

ИННОВАЦИОН ҲУДУДГА АЙЛАНАЁТГАН СИРДАРЁ

Азимжон ХОЛОВ, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, мамлакатимизнинг 13 та ҳудудини инновацион ҳудудга айлантириш белгиланган эди. Сирдарё тумани ушбу рўйхатга киритилган ҳудудлардан биридир. Ҳўш, туманда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Иш инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида вилоятда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ҳамкорлиғида “йўл харитаси” ишлаб чиқишдан бошланди. Ҳудудни инновацион ҳабга айлантириш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ томонидан туман маҳаллалар кесимида тўлиқ ўрганилди, ҳар бир ҳудуднинг драйвери аниқланиб, ушбу соҳани ривожлантириш орқали янги иш ўрни яратиш билан бир қаторда янги инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга катта урғу берилди. Ўрганишлар натижасида Инновацион ривожланиш вазирлиғи қиймати 9 миллиард сўмлик 10 та инновацион лойиҳани молиялаштирди.

“Ақлли” доскалар энди ўзбек тилида

Ҳаётимизни замоновий ахборот технологиялари, дастурий таъминотларсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, таълимда улардан фойдаланиш ўқувчиларга билим ва кўникмаларни тезроқ ҳамда самаралироқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Шундан келиб чиқиб, Сирдарё туманида “IT program service” МЧЖ томонидан ўқитиш жараёнида кенг ишлатиладиган “ақлли дисплей” технологиясидан фойдаланган ҳолда интерактив дарслар учун ўзбек тилида қўлланма ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу лойиҳа учун Инновацион ривожланиш вазирлиғи томонидан 456,6



миллион сўм ажратилган бўлиб, у мамлакатимиздаги умумий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини яхшилашга ёрдам беради. Лойиҳанинг асосий мақсади мактаб таълими жараёнини қизқартириш ташкил этиш ҳамда ўқувчиларни мавжуд фан доирасида мақсадли йўналтиришдир. Интерактив доска билан тақдиротлар, интерактив видеолар, 2D ва анимацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш мумкин. Лойиҳа доирасида синов тарикасида 4 та фан бўйича махсус ўқув методикалари асосланган ўзбек тилидаги компьютер дастурлари ишлаб чиқилади.

Янги технология: анор данагидан ёғ

Сирдарё вилоятининг асосий ер майдонини профессор-ўқитувчилари ва ёш олислари томонидан бу ерга мос қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари, мева дарахтлари навларини етштириш бўйича бир неча йиллардан буён изланишлар олиб бориляпти.

Бунинг натижасида анорнинг шўр ерга чидамли қорақайин нави яратилди. Бугунги кунда 55 000 туپ қўчат тайёрлаш ҳамда ҳосилни экспорт қилиш лойиҳасига вазирлик томонидан 698 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари, жорий йил ноябрда “Яшил макон” дастури доирасида Сирдарё тумани “Навоий” маҳалласидан “Темир дафтар”да турувчи 20 та хонадонга анор қўчатлари экиб берилди.

Сирдарё вилоятида йилига 3000 тонна анор етиштирилади. Шундан аҳоли ҳамда кичик корхоналар томонидан 10-20 фоизи қайта ишланади. Вилоятда анор мевасидан фақат анор шарбати олинади. Унинг данаги ва пўстлоғи ташлаб юборилади. Шу жиҳатлар инобатга олиниб, яна бир лойиҳага қўл урилди. У аҳоли ва тадбиркорлар томонидан етиштирилган анор данакларини қайта ишлаб, ундан фармацевтика ва



косметология соҳаси учун ёғ олишни кўзда тутади. Бунинг натижасида ушбу мойлар импортини оптималлаштиришга эришилади. Шунингдек, данак қолдиқдан чорва озуқаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Лойиҳанинг умумий қиймати 871 миллион сўм атрофида, шундан 305 миллион 206,8 минг сўми вазирлик ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўсма ва табиий ранг

Гулистон давлат университети томонидан ўсма (исатос) ўсимлигининг яна бир хусусияти аниқланди. Мазкур олийгоҳ талабаси Юлдуз Мажидова-нинг айтишича, ўсмани чуқур қайта ишлаш орқали енгил саноатда матоларни бўяш учун буюқ олиш имконияти бор. Ўстоз ва талабалар бу гоёни лойиҳага

айлантirdи. Ғоя вазирлик томонидан 351 миллион сўм миқдоридa молиялаштирилди. Лойиҳа ҳаётга татбиқ этилса, вилоятда фаолият юритаётган “Karmanta yarn tex” ҳамда “Record textile” МЧЖлар томонидан импорт қилинаётган муайян буюқ турларини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилади.

Ўсмадан олинadиган ранглар хориж маҳсулотларидан табиийлиғи ва ўзига хос жилоси билан ажралиб туради. Қолавeрса, нархи ҳам ҳамёнбo бўлгани боис, маҳаллий тадбиркорлар учун аини муддаодир.

Бир сўз билан айтганда, Сирдарё туманида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар аҳоли турмуш тарзини ўзгартириши билан бир қаторда, камбағалликни қисқартириб, янги иш ўринлари яратилишига, маҳаллий бюджетга тушумлар тушишига ҳамда иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz.love

МОВАРОУННАХРДА ДЕҲҚОНЧИЛИК: ЎТМИШ ВА БУГҮН

МОЗИЙДАН САДО

Раззоқ ОРИПОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Жамият ривожланиши билан инсон онги, илми, маданияти юксалиб, деҳқончилик ҳам ана шу тараққиётнинг маҳсули сифатида бойиб борган. Ибтидоий жамиятда деҳқончилик табиатдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришдан бошланган. Кейинчалик одамлар хўжалик юритишни, яъни чорвачилик ва деҳқончиликни ўрганишган. Ўз навбатида, маҳсулотларни кўпайтириш йўлларини излаб топган ва уларни қайта ишлашни ўзлаштириб, саноат асосида ривожлантиришни йўлга қўйган. Бу жараён бугун ҳам изчил давом этмоқда.

Деҳқончилик ривожининг ҳар бир босқичида инсон табиат билан бевосита мулоқотда бўлган, унинг сир-синаотларини ўрганган, кузатган ва йиллар, асрлар давомида фикрлаш, таққослаш, қиёслаш усулларидан фойдаланган ҳамда фойдали ва зарарли томонларини таҳлил қилиб, турли хулосалар чиқарган.

Марказий Осиё деҳқончилигининг энг қадимги марказларидан биридир. Масалан, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да деҳқончилик билан шугулланиш уч минг мартаба ибодат қилишдан афзал экани эътироф этилган, ер онага қиёсланган.

Таниқли адиб, драматург ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Бизким, ўзбеклар” китобида таъкидланишича, юнон тарихчилари Страбон, Херодот, Ҳенатий ёзиб қолдирган маълумотларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бундан 4 минг йил аввал суғориа деҳқончилик маданияти пайдо бўлгани айтилади. Бундан эса Амударё ва Сирдарё оралиги суғориа деҳқончилиги маданиятининг илк бешикларидан бири экани маълум бўлади.

1963 йили АҚШда чоп этилган “The World encyclopedia dictionary book” (“Жаҳон қомусий луғати”)да ўзбеклар жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб ўtroқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат, дея эътироф этилган. Утроқлашиш асосида эса деҳқончилик ётишини изоҳлаш шарт эмас.

Машҳур олим С.Мусаевнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, Марказий Осиёда милoddан аввалги VI-V минг йилликларда ерни бостириб суғоришга асосланган ўзига хос деҳқончилик мактаби пайдо бўлган. Кейинроқ Зарафшон водийси ва Бухоро ҳудудида деҳқончилик билан шугулланган аждодларимиз бостириб суғориш ўрнига ариқлардан фойдаланиш, бирмунча мураккаброқ иш қуролларига ўтиш, маҳаллий ўғитларни ишлатишни, ерни ҳўкиз қўйишдан суқалар ёрдамида ҳайдашни йўлга қўйганлар. Гўнган фойдаланиш натижасида қадимий суғориладиган тупроқ таркибидеги гумус миқдори кўпайган. Натижада экин ҳосилдорлиги ошган.

IX-XII асрларда яшаган мовароуннахрлик буюк мутафаккирлар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Ҳаким Термизий ва бошқалар деҳқончиликни табиат билан мутаносиб равишда йўлга қўйишни тавсия этган.

Ҳаким Термизий “Наврўзнама” асарида ўз умрининг кўп қисmini астрономияга сарфлаганини, юлдузлар ва сайёраларнинг қишиш ва ботиш ҳолатларини ўрганиб, деҳқонлар экинларни шунга қараб экса, ҳосил мўл ёки кам бўлишини айтган.

Фарғоний эса Мисрда Нил дарёсига сув ўлчаш асбоби — ниломерн ўрнатиб, деҳқончилик ривожига катта ҳисса қўшган. Фарғониянинг ниломери қўрсаткичлари туфайли ерларга сув чиқарилган ва экин экилган.

Бундан қарийб 1150 йил муқаддам қурилган иншоот — ниломернинг сув ўлчаш аниқлиги шу соҳа мутахассисларини ҳозир ҳам лол қолдирмоқда. Масалан, британиялик гидролог олим А.К.Бисва ниломернинг сув сатҳини ўлчаш аниқлигига тан бериб, бу қурилма Нил дарёси суви сатҳини ўта аниқ ўлчаган, деб ёзади.

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг машҳур “Қитоб-ул жамоҳир фил маърифатил жавоҳир” асари она жинс ва тупроқ хоссаларини ўрганиш бўйича сақланиб қолган муҳим қадимий қўлланма ҳисобланади. Унда тупроқ она жинсининг нурашидан ҳосил бўлиши, унинг минерал қисми табиат ва ўсимликлар ҳаётида муҳим ўрин тутуши таъкидланган. Уша даврда тупроқ таркибини ўрганиш, уни жинсларга ажратиш жуда катта воқеа эди.

Ийрик шарқшунос олим, академик Яҳё Ғўломов раҳбарлигидаги археология-этнография экспедицияси Амударё, Зарафшон, Қашқадарё ва бошқа дарёларнинг

қадимги ўзанларини топиб, улардан халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилганини аниқлади. Натижада Ўзбекистон ҳудудида тош даври деҳқончилиги ҳақида катта маълумотлар топилди.

Қайд этмоқ керакки, икки дарё оралиғида тоғ олди минтақалари кориз усулида суғорилган. Кориз ер ости сувларини йиғиш ва уларни ер юзасига чиқариш учун қурилган ер ости гидротехника иншооти-дир. Одамлар сув олиш усулларини, тоғлардан сув йиғадиган каналларни қуриб, қудуқлар қазиб, уларни истеъмол жойига олиб борган. Шунингдек, ер остидан сув лаҳмлар, қудуқлар қазиб, суғориш тизими билан таъминлашган.

Кориз тизими эрампздан минг йил аввал қадимги Форсда, кейинчалик Урта Осиё, Кавказ ва Хитойга тарқалди. Энг ажабланарлиси, ушбу тизим бизнинг давримизда ҳам мавжуд ва ишлайди. Бу ноёб иншоотлар Самарқанд, Навоий минтақаларида ҳозиргача сақланиб қолган.

Аниқланишича, Нурота атрофида 30 дан ортиқ кориз тизими ишлаган бўлиб, бугунги кунда кўпи кўмилиб кетган. Худуддаги Мастон қоризининг 280 та қудуги бўлган. Бош қудуқнинг чуқурлиги 14 метр ва лаҳмининг узунлиги 3 километри ташкил этган. Кориз қурилиши даврида бу қудуқлар тупроқ ва шағални



чиқариб ташлашга, қоризни ишлатиш даврида эса кузатув, назорат қилиш, тиклашга, таъмирлаш ва ҳаво алмашишга хизмат қилган.

Тадқиқотларда аниқланишича, авлодларимиз милoddан аввалги давр, яъни неолитгача ҳам деҳқончиликда суғоришнинг лиман усули — тоғ ва тоғолди минтақаларида сувни тўплаш йўли билан сувнинг суғоришни ихтиро қилган. Лиман усулида суғориш деб ерни эрта баҳорда эриган қор, ёмғир ва дарёларнинг тошқин сувларини лиманларда тутиб қолиш билан бир марта бостириб суғоришга айтилади. Бу усул экин етиштириш учун тупроқда етарли нам тўплаш мақсадини кўзлайди. Лиман суғориш ярим қургўқчил минтақаларнинг ўсимликлар учун баҳорги бир марта бостириб суғориш ва сўнгра ёзги ёғинлар ҳисобига тупроқда тўпланадиган нам захираси киёфа қиладиган шароитларда қўлланилади. Доимий суғориш усулига қараганда жўн ва жуда арзонга тушади.

Милoddан олдинги икки минггинчи йиллардан бошлаб доимий суғориш тизимига ўтилган ва эрампз бошларига келиб, суғориш усуллари бирмунча такомиллашиб, аста-секин каналлар қазииш, ирригация иншоотларини барпо этишга киришилган.

Тахминан XV асрда ёзилган “Зироатнома” (“Фанн-и қишту зироа”)да деҳқончиликка оид минг йиллик маълумотлар умумлаштирилган. Асарда маҳаллий ўғитлар экинлар ҳосилдорлигини оши-

ришда муҳим восита экани, қўй ва эчки гўннинг отниқдан афзаллиги айтиб ўтилган. Аждодларимиз компост тайёрлаш учун гўн, ариқ ва зовур тупроқлари, чириган қамиш, хашак ва баргллар, эски девор ва том тупроқлари, қул, ачиган мева-чевалар, чарм ва кигиз қолдиқлари ҳамда суяк толқонидан фойдаланганлар. Сақлаш жараёнида ҳаво ва ёғин-сочин таъсирида компост таркибидеги озиқ моддалар микдорининг камайиши ҳам эътибордан четда қолмаган.

“Зироатнома” таржимасига йирик олим М.Мирзаев ёзган сўзбошида айтилишича, аждодларимиз мева-ли дараклар ва полиз экинлари навларини яхшилаш, зараркунандаларга қарши кураишни йўллариини излаган. Тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва унумдорлигини ошириш борасида ҳам тадқиқотлар ўтказишган.

Мовароуннахр деҳқончилиги ривожига Амир Темурнинг хизматларини алоҳида қайд этиш керак. Археолог М.Абдураимовнинг таъкидлашича, Амир Темур фармойиши билан ўша даврда уч ва беш далали алмашлаб экиш жорий этилган ва бир дала тупроқ унумдорлигини тиклаш мақсадида тоза шудгор ҳолатида

Афсуски, XIX асрнинг иккинчи ярми-дан бошлаб ерга, ўзбек деҳқонига муносабат ўзгарди. Пахтачилик яккахокимлиги шўролар даврига келиб юқори даражага кўтарилди. Натижада тупроқнинг физик, кимёвий, биологик унумдорлиги пасайиб кетди. Озиқ-овқат экинлари, мева-сабзавотга ажратиладиган ерлар йиллар давомида камайиб борди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, зудлик билан деҳқончилик тизimini янгилаш, яъни соҳани қайта қуришга киришилди. 70 йил ҳукм сурган беда-пахта алмашлаб экиш тизими ўрнига янги галла-пахта алмашлаб экиш тизими қабул қилинди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, соҳада ислохотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун имкониятлар яратиш мақсадида кўплаб қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Соҳага ишлаб чиқаришнинг кластер ва кооператив тизими татбиқ қилиниб, илгор инновациялар, хорижий тажриба ва технологиялар, замонавий техникалар жадаллик билан жорий этилди. Ушбу омиллар деҳқон ва боғбонларнинг моддий манфаатдорлиги, турмуш фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлди.

Ғалла ўрнига экилган такрорий экинлар эса меҳнатқашларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан, чорвачиликни эса ем-хашак ва бошқа озуқалар билан таъминламоқда. Бир вақтнинг ўзида тупроқ унумдорлигини оширишда ҳам асосий ролни бажармоқда.

2019 йилнинг 23 октябрида Президент фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси аграр соҳанинг яқин келажакда ривожланиш истиқболлари ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг тўғрискта устувор йўналишини белгилаб берди.

Соҳани модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фан-таълим-ишлаб чиқаришни интеграциялаш, бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, фермерлар ва деҳқонларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий самарадорлик ва моддий манфаатдорлиқни ошириш, маъмурий бўйруқбозликка барҳам бериб, самарали бошқарув тизimini жорий қилиш, мажбурий меҳнат ҳолатларини бартараф этишга эришляётгани янги Ўзбекистон даврида амалга оширляётган жадал ислохотларнинг ҳосиласидир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигига кластер усулини жорий этиш ғояси ҳаётда ўз самарасини кўрсатмоқда. Ташкил этилган 651 та агрокластер пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, шолчилик, дориворчилик йўналишларида фаолият юритмоқда. Пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизи агрокластерлар лўшига тўғри келмоқда.

Сўнгги 2 йилда 369 минг гектар фойдаланишдан чиққан суғориладиган ер майдонлари ўзлаштирилиб, фойдаланишга киритилди. 69,6 минг гектар интенсив боғ, 57 минг гектар тоқзорлар барпо этилди, сабзавот, полиз, картошка ҳамда озуқа экинлари майдони сезиларли даражада кенгайди. 2021 йилнинг ўзида 797 минг гектар майдонда қиймати 2,3 триллон сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ташкил этилиб, 11 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Ўртимиз бугун қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатга айланиб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, аждодларимиз бошлаб берган деҳқончилик маданияти ва тажрибасидан фойдаланаётганимиз ҳам қўл келяпти.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ ИТАЛИЯ МУЗЕЙИДА

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўртимизда Риштон кулолчилик мактаби ҳақида эшитмаган, билмаган одам бўлмаса керак. Тупроғига Аллоҳ назар солган бу замин кулоллари лойдан мўъжиза яратётган чинакам ижодкорлардир.

Фаргонанинг энг қадимий шаҳарларидан бири, неча замоналардан бери Марказий Осиёда сирланган сопол буюмларнинг энг ийрик маркази бўлган Риштоннинг номи сўғдча “Раш” (“Руш”, “Руси”) — “қизил ер” сўзидан пайдо бўлган. Қизил гил — кулоллар учун асосий хомашёдир.

Бир пайтлар қишлоқ хўжалиги ўғитлари сақланадиган шаҳардаги ташландиқ жойда бугун Халқаро кулолчилик маркази қад ростлади. Бу дилқуш маскан уста кулоллар завқланиб ишляйдиган, ҳатто яшайдиган жойга айланди. Давлатимиз раҳбари марказга ташрифи чоғида бундай марказлар Риштонда бир эмас, ўнлаб бўлиши кераклигини таъкидлади. Кулол Алишер Назиров билан суҳбатда эса, “Бу ерда экологик тоза меҳнат билан биргаликда катта тарих бор”, дея кулолчиликнинг миллий ғурур-ифтихор эканини айтиб, уни ҳар бир хонадонга, тўйларимизга қайтаршимиз зарурлигига алоҳида уруғ берди.

Буни қарангки, Италиянинг Делуа шаҳри тупроғи ҳам худди Риштон тупроғи сингари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шаҳарда XV-XVI асрларда маҳаллий қошинлик услубидаги “Белла Донна” сопол идишларини ясаш санъати ўз чўққисига эришган. XVI асрдан бу ерда машҳур “Рафаэль” деб номланган идиш-товолқар ишлаб чиқарила бошланган.

Италиялик уста кулолларнинг ишлаш жараёни ҳам кулолларимизники билан деярли бир хил экани ажабланарли. Шу боис, Риштон кулолчилиги каби Делуа шаҳри ўзининг ноёб сополлари ва қошинлик санъати билан дунёга машҳур бўлиб, Италия миллий кулолчилиги аънаналарининг етакчиси ҳисобланади. Айни ўхшашликлар бу икки худуднинг бир-бирига янада яқинлашуви, тўғрироғи, биродарлик алоқаларини, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни йўлга қўйишга туртки бўлди.

Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев бошчилигидаги делегация яқинда амалий ташриф билан Италиянинг марказий худуди — Умбрияда жойлашган Делуа шаҳрида бўлди. Делегациямизни Ўзбекистоннинг Италиядаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Отабек Акбаров ҳамда Делуа шаҳри мэри Микеле Тониаичини бошчилигидаги маҳаллий маъмурият масъуллари қутиб олди.

Музокаралар давомида савдо-иқтисодий, туризм ва маданий алоқаларни кенгайтириш, жумладан, Риштон ва Делуа ўртасида биродарлашган шаҳарлар муносабатларини ўрнатиш масаласи муҳокама қилиниб, англашув меморандуми имзоланди. Меморандумга кўра, Делуа шаҳри делегацияси 2022 йилнинг март ва сентябрь ойларида ўртимизга ташриф буюради.

Шунингдек, Риштон туманида замонавий чинни маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳани амалга ошириш борасида ҳам келишувга эришилди. Унга кўра, энди Риштонда чинни маҳсулотлар янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилади, уларнинг рақобатбардор бўлиши, экспорт географиясини кенгайтириш энг асосий мақсад қилиб олинди ва бу Делуага ташрифнинг асосий маҳсули бўлиши кўзда тутилди.

Яна бир қувонарли жиҳат шундаки, Италиянинг энг қадимий, турли давр ва услубда сополдан ясалган 5 мингдан ортиқ экспонат жамланган Делуадаги Санъат асарлари музейидан Риштон кулолчилиги маҳсулотлари учун майдон ажратиб берилди. Музейда Риштон кулолчилик маҳсулотлари тақдироти ўтказилди.

Риштон делегацияси аъзоларининг Делуа уста кулоллари иш жараёни билан танишиб, фикр алмашгани эса янги-янги ғояларга туртки бўлди. 1904 йили саноат ва ҳунармандчилик кўргазмасида олтин медал олган риштонлик уста Бобохожи Мирсалим авлодлари бўлган риштонлик уста кулоллар ҳам италияликларда илқ таассурот қолдирганига шубҳа йўқ.

— Италия ташрифи соҳадаги иходкорлик салоҳиятимиз, қадимий бой меросимизни улуғлашга бўлган иштишимизни яна бир қарра оширди, — дейди “Хунарманд” уюшмасининг Риштон тумани бўлими раҳбари Нуредбек Юнусов. — Италиялик ҳамкорларимиз билан режаларни ўйлаганимиздек амалга ошириш, уларни ҳам Риштонда муносиб кутиб олиш учун тайёргарлиқни қизитиб юбордик. Ўйлаймизки, бошлаган ҳамкорлигимиз иккала томон учун ҳам манфаатли бўлади.

Энг муҳими, ўзбек кулолчилиги брендини дунёга танитаётган, кундан-кунга донғи ошаётган Риштон кулолчилик буюмлари энди Италиянинг қадимий музейларидан бирида сақланади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4107

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида басилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎЗА яқуни — 02:45 Топширилди — 03:00